

Документ подписан:

дата:2022.11.15 18:39:22
серийный номер: 778d935f
компания:Не указано
ИНН/ПИНФЛ: 605442538/32605550560029
фио: ISROILOV SOLIVOY
email:

дата:2022.11.18 10:41:52
серийный номер: 77aa64c7
компания:O'ZAVTOSANOAT AJ
ИНН: 201053918
фио: UMURZAKOV SHAVKAT
email:



11ED64EAE985B9C084CC1E0008000075

идентификатор электронного документа

ПРОТОКОЛ ПОДПИСАНИЯ ДОКУМЕНТА

Поставщик	<u>ISROILOV SOLIVOY ERGASHEVICH</u>	Покупатель:	<u>"O'ZAVTOSANOAT" AJ</u>
ИНН	<u>32605550560029</u>	ИНН	<u>201053918</u>
Адрес	<u>1 м/н дом 44 кв 32</u>	Адрес	<u>Amir Temur shoh ko`chasi, 13-uy</u>

Информация о документе

Название документа	<u>Договор И.П. Исроилов С.Э.</u>
Номер и дата документа	<u>№ 030 от 15.11.2022</u>
По договору	<u>№ № 179091 от 15.11.2022</u>

Хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга) ШАРТНОМА

Тошкент
2022 й. "15" ноябр

№ 179091

Ишончнома асосида иш юритувчи, кейинчалик "Жамият" деб юритилувчи "Ўзавтосаноат" АЖ номидан Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А.В. Рафиқов бир томондан, 2022 йил 21 ноябрдаги №870882 сонли Патент асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бажарувчи" деб юритилувчи ЯТТ "Исроилов С.Э" номидан иш кўрувчи Исроилов С.Э иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Жамият"га Республика саноат ярмакасида иштирок этиш учун "Ўзавтосаноат" АЖнинг қайта фойдаланиш мумкин бўлган

(модулли турдаги) кўргазма стендини ташкил этиш бўйича хизматлар (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) етказиб бериш, "Жамият" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Жамият"нинг ҳуқуқлари:

"Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Жамият" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Жамият"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Жамият"дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Жамият"дан талаб қилиш.

2.4. "Бажарувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Жамият"ка "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Жамият" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Жамият"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 (уч)кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 145 000 000 (бир юз чирқ беш миллион) сўмни ташкил этади.

Ётказиб бериладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Жамият" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 10 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Жамият" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Жамият"нинг розилиги билан "Хизматлар" муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. "Жамият" томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган "Хизматлар" учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. "Жамият" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Жамият"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Жамият"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Жамият"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Жамиятларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Жамият"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. "Жамият" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари Жамиятга нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортиментини, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, "Бажарувчи" кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Жамият"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Жамият"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Жамият"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Жамият" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,04 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Жамият" томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Жамият"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Жамият" томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

"Бажарувчи"нинг айби билан шартноманинг "Жамият" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ

муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи

шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга

хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат

ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар имзолагандан кегин кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

X. ТОМОНЛАРНИНГ

МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

"ЖАМИЯТ"

"БАЖАРУВЧИ"

Чирчиқ ш. 1 к/н 44уй 32
тел.: (+998 97) 447 02 77

Солиқ тўловчининг идентификация рақами

Солиқ тўловчининг идентификация рақами
605442538

х/р 20218000700943563001

МФО 00863

ОКОНХ кўзда тутилмаган

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

2022 йилдаги "15" ноябрдаги
179091-сон шартномага илова

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)

ЖАДВАЛИ

Кўрсатиладиган хизматлар (бажариладиган ишлар) номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсатилаётган хизматлар (бажарилаётган ишлар) ҳажми	Кўрсатилаётган хизматлар (бажарилаётган ишлар) қиймати	Кўрсатилаётган хизматлар (бажарилаётган ишлар) умумий суммаси
Кўргазма стендини ташкил этиш бўйича умумий монтаж ишлари	4 кун		4.000.000	4.000.000
Кўргазма стендини ташкил этиш бўйича умумий демонтаж ишлари	1 кун		1.000.000	1.000.000
Кўргазма стенди учун ижара: LED монитор / метал ферма / ёритиш чироқлари / подиум	5 кун	46 кв м / 93.5 кв м. / 12 дона / 72 кв м.	59.000.000 /22.000.000 /12.000.000 /20.000.000	113.000.000
Кўргазма стенди учун ижара: Диван / стол	5 кун	4 дона / 2 дона	2.000.000/1000.000	15.000.000
Кўргазма стенди учун олинган гул ва кашпо ижараси	5 кун	4 дона	2.000.000	10.000.000
Транспорт хизматлари учун	2 кун	2 дона	2.000.000	2.000.000

Етказиб берувчи _____
(имзо, муҳр)

Жамият _____
(имзо, муҳр)